ҚУРБОН ҲАЙИТИ БАРЧАНГИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2004-yil, 30-yanvar, 5 (594)-son Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

● **Матбуотда "Меҳр ва мурувват йили дастури тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.**

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис раиси Э.Халилов олиб борди. Йиғилишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига 2003 йилнинг ноябр-декабр ойларида бўлиб ўтган сайлов натижалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

● **Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Истеъдод" жамғармаси томонидан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида "Лотин алифбосида дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратиш масалалари"га бағишланган семинар ўтказилди. Унда Давлат таълим стандартларига ва намунавий ўқув дастурларига мос замонавий дарсликлар ва ўқув адабиётларни тайёрлашга жалб этилган олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.**

● Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Олий суд раиси Ф.Муҳитдинова бошқарган мазкур йиғилишда якунланган ишлар таҳлил қилиниб, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга оид масалалар муҳокама этилди.

● **Матбуотда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг ЯК-40 самолёти авиаҳалокати сабабларини аниқлаш бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарори эълон қилинди.**

● "Экосан" халқаро жамғармасида "Марказий Осиё: иқлим, атроф-муҳит ва ривожланиш" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг эколог олимлари ва гидрометеорологлари билан бир қаторда Россия, АҚШ, Япония мутахассислари ҳам иштирок этган ушбу анжуманда Марказий Осиёда сўнгги йилларда иқлим ўзгаришининг сабаблари, унинг атроф-муҳитга кўрсатаётган салбий таъсири ва бу ҳолнинг олдини олиш йўллари ҳақида фикр юритилди.

JARAYON

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРЛАРИ АСОСИДА

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши йирик инвесторларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқишини орттирди. Айни пайтда дунёнинг деярли барча давлатлари билан ўзаро тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатилган бўлиб, бунинг натижаси турли соҳаларда яққол кўзга ташланмоқда. Алоқа ва ахборотлаштириш тизимида ҳам бу борада ижобий ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Инвестиция дастурининг амалга оширилиши иқтисодиёт ривожланишининг асосий негизларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил учун Инвестиция дастури"га мувофиқ Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бўйича режалаштирилган 41,2 млрд. сўмлик лойиҳалар 41,9 млрд. сўм миқдорида ёки режага нисбатан 101,7 фоизга бажарилди. Жумладан, давлат бюджети ҳисобига амалга оширилаётган "Тошкент телеминорасини реконструкция қилиш" лойиҳаси бўйича 500,0 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари якунланди.

Чет эл сармоялари ва давлат кафолатидаги кредитлар ҳисобига "Телекоммуникация, радиоэшиттириш ва телевидение ривожланиши (2-босқич)" лойиҳаси бўйича 35 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилиши режалаштирилган ҳолда 38,8 млн. доллар кредит ўзлаштирилди. Амалга оширилган ишлар хусусида тўхталадиган бўлсак, 1200 км.дан ортиқ оптик-толали кабеллар ётқизилиб, 55та узатиш тизими монтаж қилинди. Қарши шаҳрида халқаро телефон станцияси ва Бухоро шаҳрида иккита ТВ узатгичлар, шунингдек, Тошкент — Чорвоқ йўналишида рақамли радиоалоқа линияси ишга туширилди.

"Миллий маълумотлар узатиш тармоқларини ривожлантириш" лойиҳаси бўйича эса 3,77 млн. долларлик кредит ўзлаштирилган. Бу борада ҳам қатор ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, устувор инвестиция таклифлари йиғма рўйхати бўйича Японияннинг "Иточу" компанияси билан ҳамкорликда Тошкент телеминораси радиотелевизион мажмуасини замонавийлаштириш лойиҳаси бўйича 2,17 млн. доллар ўзлаштирилди. Жумладан, олтита телевизион узатгич ва тўртта радиоузатгичлари ўрнатилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш мақсадида чет эл корхоналари иштирокида 2003 йили учта қўшма корхона тузиш мўлжалланган эди. Натижада маълумотлар узатиш тармоғини ривожлантириш бўйича "Ист Телеком" (East Telecom) қўшма корхонаси ташкил этилди. "Тошкент таксофони" ОАЖ ҳам чет эл инвестицияси иштирокидаги корхонага айлантирилиб, устав жамғармасининг миқдори 150 минг долларга етказилди. Шунингдек, устав жамғармаси 172,7 минг долларга тенг бўлган "Коинот Модерн Пласт" ҚК тузилди.

Чет эл сармоялари ва давлат кафолатидаги кредитлар ҳисобига эса жами 54,7 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилиши мўлжалланган бўлиб, шундан "Телекоммуникация, радиоэшиттириш ва телевидение ривожланиши (2-босқич)" лойиҳаси бўйича 46,8 млн. доллар, "Миллий маълумотлар узатиш тармоқларини ривожлантириш" лойиҳасига 1,6 млн., "Радиочастота спектрининг техник назорат тизимидан фойдаланиш учун асбоб-ускуналар етказиб бериш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишни (2-босқич)" лойиҳаси бўйича 6,3 млн. доллар ўзлаштириш кўзда тутилган.

Тўғридан-тўғри жалб қилинадиган чет эл инвестициялари ҳисобига жами 56,3 млн. доллар тенг бўлган қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш мақсад қилиб қўйилган. "Маълумотлар узатиш тармоғини ривожлантириш юзасидан "Ист Телеком" (East Telecom)" ҚКни тузиш бўйича 5 млн. доллар, уяли алоқа хизматини кўрсатиш юзасидан "Ўзбектелеком-Мобайл" ҚКни тузиш учун 10 млн. доллар, "Бузтон" ҚКнинг телекоммуникация тармоғини ривожлантириш" лойиҳасига 1 млн. доллар, "Ўздунробита" ҚКнинг GSM тизимини кенгайтириш" лойиҳасига 20 млн. доллар, "Коском" ҚКнинг уяли алоқа тармоғини техник ва технологик ривожлантириш" лойиҳаси учун 5 млн. доллар ва "ДЭУ-Юнител" шўъба корхонаси тизимини кенгайтириш" лойиҳаси бўйича 15,3 млн. доллар ўзлаштирилиши режалаштирилмоқда.



(Давоми 2-бетда.)

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ

(Бу борада ТАТУда олиб борилаётган ишлар хусусида)

(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

Белгиланган улуғ мақсадни амалга ошириш учун бошланган умумхалқ курашида инсоннинг энг олижаноб сифат белгиларидан бўлган сидқидиллик, кучли ирода, ташаббускорлик ва фуқаролик вазифасига содиқлик ёрқин намоён бўлмоқда. Аммо бундай улуғ мақсад йўлидаги курашда айрим ходимларнинг ўз қарашларига эга эмаслиги жамоат ва давлат манфаатларидан ўз манфаатини устун қўйиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бу эса жойларда ҳамон бюрократизм, консерватизм, бамайлихотирлик каби иллатларнинг пайини қирқишга тўсқинлик қилмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРЛАРИ АСОСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Республикамиз телекоммуникация ва ахборотлаштириш тизимига киритилаётган мазкур сармоялар электрон ҳужжат алмашуви, рақамли имзо, электрон тижорат каби замонавий фаолият турларини ҳаётга татбиқ этиш имкониятини яратмоқда. Шунинг учун инвестиция дастурига биноан соҳамизга жалб қилинаётган бу маблағлардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Корхоналарни 2003-2004 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан давлат активидаги корхона ва объектларни сотиш режа-жадвали ижроси бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги корхоналарини хусусийлаштиришда ҳам бир талай ишлар амалга оширилди.

"Aloqainvest" АЖнинг 15 фоиз активлари 11,6 млн. сўмга сотилган. Корхонанинг яна шунча акцияси Давлат мулки қўмитаси томонидан савдога чиқарилиши лозим. "Саноаталоқа" АЖнинг савдога қўйилган 30 фоиз акция пакети 16,4 млн. сўмга, "Автоалоқа" АЖнинг савдога қўйилган 30 фоиз акция пакети эса 3,9 млн. сўмга тўлиқ сотилган. 2004 йил, 14 январда Давлат мулки қўмитасининг "ЎзПАК" давлат корхонаси ҳақидаги буйруғи қабул қилинган бўлиб, ҳозирда корхонани 361 млн. сўмга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказилиши эълон қилинган.

"Ўзбектелеком" АКни хусусийлаштириш дастурини бажариш тўғрисидаги режага асосан корхонанинг 64,2 фоиз акция пакетини сотиш учун тендер ҳужжатларини тасдиқлаш 2003 йилнинг 25 декабрига белгиланган эди. Лекин "Коммерцбанк" бошчилигидаги Молиявий консултант томонидан ҳужжатлар ўз вақтида тақдим этилмади. Шунинг учун 2004 йилнинг биринчи чорагида тендер савдоларини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, "Коинот" АЖнинг 244,9 млн. сўм миқдоридаги савдога қўйилган 74,5 фоиз акция пакетининг 51 фоизи 141 млн. сўмга тўлиқ сотилган эди. Ушбу акция пакети босқичма-босқич нархини тушириш механизми қўлланган ҳолда сотилган. Айни пайтда корхонанинг 2003 йилги савдодан олинган ва сотилмаган 23,5 фоиз акция пакети мавжуд. "Ўзимпэксалоқа" АЖнинг савдога қўйилган 25,4 фоиз акция пакети 26,0 млн. сўмга тўлиқ сотилди. "ИЛКАБ Пренос" АЖ корхонаси Давлат мулки қўмитасининг буйруғига асосан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Корхонанинг сотилмаган 94,7 фоиз давлат активи савдога чиқарилмаган.

Хуллас, бу йўналишда ҳам амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз натижасини кўрсатмоқда. Режалар ҳам аниқ. Фақат уларни бажаришда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишимиз зарур.

А.ИЗБОСАРОВ,
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари

ТО'ҲХАТ

МЕҲНАТ БИЛАН УЛУҒДИР ИНСОН

Орамизда шундай фидойи инсонлар ҳам борки, меҳнат фаолиятидаги машаққат ва қийинчиликларга қарамасдан ўз касбларига доим содиқ қолишади. Ахир, "Дарахт бир жойда кўкаради", деб бежиз айтишмайди-да. Соҳадаги фаолиятини Чирчиқ шаҳридаги алоқа бошқармасида оддий хат ташувчиликдан бошлаган Тамара Бажанова ҳам ана шундай ўз касби орқасидан ардоқ топганлардан.

Билим олишга бўлган иштиёқ Тамарани пойтахт томон етаклади ва 1976-1978 йилларда Тошкент алоқа политехникумида сиртдан таҳсил олди. Ўз фаолияти давомида у 1992 йилгача бўлган даврда Сирдарё вилояти электралоқа ишлаб чиқариш бошқармасида почта алоқаси бўлими бошлиғи, Жиззах шаҳри почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг почта хизмати бошлиғи, Жиззах вилояти электралоқа ишлаб чиқариш бошқармасининг почта алоқаси бўйича бошлиғи ўринбосари ва бошлиғи каби масъулиятли вазифаларда фаолият юритди. Шу билан бирга, 1990-1995 йилларда Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтининг сиртқи бўлимида ўз билим ва кўникмаларини оширди.

Истиқлол йилларида Т.Бажанова фаолиятида ҳам улкан бурилишлар юз берди. У дастлаб алоқа соҳасининг энг йирик компанияларидан бири бўлган "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директорининг ўринбосари лавозимида ишлади. Ҳозирда эса Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг почта алоқаси бўлими бошлиғи вазифасида меҳнат қилмоқда.

Тамара Бажанова республикамизнинг почта алоқаси равнақига кўп йиллик меҳнати сингган заҳматкаш алоқачилардан. Унинг Ҳудудий алоқа ҳамдўстлиги ва Бутунжаҳон почта иттифоқига аъзо давлатлар билан ҳамкорлик муносабатларидаги фаолияти алоҳида таҳсинга сазовордир. У катта ҳаётий тажриба ва билимга эгалиги билан ҳам ҳамкасбларининг алоҳида ҳурматига сазовор бўлган. Шунинг учун ҳам кўплаб алоқачилар уни ўзларига устоз деб билишади. Фидойи бу инсон почта алоқаси ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун 1990 йили "Меҳнат фахрийси" медали, 2001 йили эса Агентликнинг "Моҳир алоқачи" фахрий унвони билан тақдирланди.

Таваллуд айёми муносабати билан Тамара Таджиевнани кўп минг сонли почта алоқаси ходимлари номидан муборакбод этамиз. Унга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ҳамда оилавий тинчлик ва осойишталик тилаймиз.

Р.ЗИКИРОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори



MA'NAVIYAT SOATI

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ

(Бу борада ТАТУда олиб борилаётган ишлар хусусида)

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ САРИ

Бозор иқтисодиёти шароитида яшаб, меҳнат қилиб, фарзанд тарбиялаб, орзу-умидларни рўёбга чиқармоқдамиз. Бу — ҳаёт ҳақиқати, лекин бу ҳақиқат ҳалоллик билан амалга ошмоғи керак. Тўғри, бу айтишга осон. Тилдаги нарса дилга жо бўлиши, маънавиятга, эътиқодга айланиши мушкул. Бироқ, кучли истак ва ҳаракат бўлса, тилу дилни уйғунлаштириш мумкин. Бани башарнинг бу кўҳна очундаги мавқеи қилган ишларию кашфиётлари билан эмас, балки қалбидаги инсонийлик билан белгиланади. Ана шунинг ўзи катта истеъдоддир. Бундай истеъдод ҳаммада озми-кўпми бор. Она сути ва алласи билан жисмимизга кирган бу табиат мўъжизаси руҳимизда мужассамдир. Фақат буни оила, жамият асраб-авайлаб камол топтириши, тараққий эттириши керак. Шунингдек, келажагимиз бўлган ёшлар ҳам фаол бўлиб, ўзларидаги ғайрат-шижоатни масъулият, ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳисси билан юксалтирсалар, бозор иқтисодиёти муаммолари ўз ечимини топиб, мустақил ва демократик йўлдан бораётган Ўзбекистонимиз жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари қаторидан ўрин олади, албатта.

Ҳар бир профессор-ўқитувчи хоҳ маъруза, хоҳ амалий машғулот бўлсин, ўз дарсини қадрият саҳифаларидан, ҳадислардан бошлашга қобил бўлиши, ҳар бир кафедра, лаборатория тарихи ва қадриятларини кўргазмали (масалан, ҳеч бўлмаганда албом кўринишида) акс эттирилишини одат тусига киритиши керак. Бугунги кун минбардан туриб талаба уйқусини келтирадиган баландпарвоз гаплардан жонли, ҳаётий суҳбатларга ўтишни, ўзаро мулоқот кўпроқ жорий этилишини талаб этмоқда. Шунингдек, таълим жараёнини замон талаблари даражасига етказиш учун олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳам илмий-техника тараққиётига қараб энг илғор йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш лозим.

Олий ўқув юрти, касб-ҳунар коллежи, академик лицей ва ҳатто мактабда ҳам ҳайратланарли воқеликлар гувоҳи бўламиз. Яъни, ўқитувчи маълум бир тайёргарликни кўриб, сўнгра дарсга келади. Тайёрланган конспектини (агар янгиланган бўлса, акс ҳолда йилдан-йилга ўзгармай қолавериши ҳам мумкин) дарс бериш жараёнида варақлаб, доскада керакли формула, ифода ва расмларни акс эттиради. Имтиҳон ёки синов вақтида эса ҳар бир талаба ёки ўқувчидан ўз дарсини ёддан изоҳлаб беришини талаб этади. Бу эса, ўз навбатида талаба ёки ўқувчининг ҳаётдан ажралган ҳолда фақат ёдлаш қобилиятининг ўсишига олиб келади. Тараққиёт, ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этиш йўлини қидириб топиш қобилиятини ўстириш иккинчи даражали масала бўлиб қолаверади. Шунинг учун олий ўқув юртини тамомлаб келган ёш мутахассисларни ўртача икки йил яна ўқитишга, бирор-бир аниқ илмий ёки ишлаб чиқариш натижасини олиш ўрнига уларнинг илмий-техникавий дунёқарашларини ривожлантириш билан шуғулланишга тўғри келади.

ИНСОН РУҲИЯТИ

Одам тафаккури табиат ўзи яратган юксак даражада камолотга етказган буюк кашфиётдир. Табиатнинг кўпгина сирлари орасида инсон руҳий фаолиятини ўрганиш ғоят мураккаб. Шунинг учун ҳам билимнинг бу соҳаси узоқ вақтлардан буён фанда текширилмай келингани ажабланарли эмас.

Инсон руҳиятининг сирли томонларидан бири ҳиссиётдир. Ташқи муҳит, умуман, ҳаёт таассуротлар билан тўлиб-тошган. Шундай экан, таассурот ҳиссиётсиз бўлмайди. Қандай ҳиссиёт бўлса, шундай амалиёт бўлади. Аммо ҳиссиёт ҳаммада ҳам бир хил эмас. Унинг аломатлари кишининг индивидуал руҳиятига боғлиқ. Айрим шахслар таъсирларга тез берилади, айримлар эса, аксинча, "тошга сув сачрагандай" назар-писанд қилмайди. Балзак Аустерлиц жангини тасвирларкан, гўё уруш майдонини кўриб, ярадорларнинг оҳ-фарёдларини эшитиб тургандек ҳаяжонга тушган экан.

Шунингдек, хушсуратлик, нафис санъат, адабиёт ва мулойим мусиқа инсон руҳиятида ижобий хислатларни уйғотувчи кучлардан ҳисобланади.

Руҳиятининг бардам бўлиши онгга, савияга боғлиқ. Чунончи, Гёте баландликдан қўрқар, Демосфен дудуқ, Байрон эса оқсоқ эди. Машаққатли машқлар туфайли бири чўққисевар, иккинчиси бийрон гапирадиган, учинчиси эса текис юрадиган бўлган.

Умуман, ҳиссиётнинг, сезги аъзоларининг вужудга келиши ҳамда ҳиссий инъикос ва унинг шакллари ҳақида Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний каби буюк алломаларнинг илмий меросида ажойиб фикрлар илгари сурилган. Форобийнинг таъкидлашича, сезги — сезилувчининг табиатига боғлиқ, агар нарса сезги аъзоларига кучли таъсир қилса, унинг образи узоқ сақланади.

Инсонда содир бўлувчи ҳиссиёт-сезги, ҳис-туйғулар ҳеч қачон инсоннинг ўз қўли билан яратилган, унинг кўрсатмаси билан ишловчи машина ва хусусан, компютерга хос эмас. Компютер учун қобилият ва ҳаёт сирларини очиб бериш, халқ оммаси билан чамбарчас алоқада бўлиш каби хислатлар мутлақо ётдир.

Тафаккурлаш — қолипга солинган, математик формулалар мажмуаси бўлмай, балки инсоннинг бутун ақлий фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Маълумки, бирор бир масалани компютерда ҳал этиш учун унинг алгоритми, яъни мавжуд масалани ҳал этишнинг кетма-кетлиги ишлаб чиқилади. Аммо, шу нарса аниқки, ақлий жараён алгоритмлар тасаррофига топшириб қўйилгач, энди ақлфаросатнинг аралашуви талаб қилинмайди. Алгоритм инсон тафаккурини шу жараённи назорат қилиб ва бошқариб туриш вазифасидан халос этиб, бу ишни тамоман машинага топшириб қўяди. Бинобарин, биз автомат бевосита инсон тафаккурининг назорати ва бошқарувида бўлган соҳаларни бирин-кетин эгаллаб олганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Шу ўринда муаммонинг бошқа томонини ҳам таъкидлаш шартдир. Гап шундаки, хорижий мамлакатларда бирор бир техник янгилик яратилдими, албатта, унинг ихтирочиси ҳам, жорий этувчиси ҳам моддий рағбатлантирилади. Шунинг учун кўпчилик техника янгилигига, уни жорий этиш учун жон-жаҳди билан интилади ва курашади. Японияда ҳатто натижасиз ғоя ҳам рағбатлантирилади. Бундан мақсад — ихтирочининг ҳафсаласини бир пул қилиб қўймасликдир.

Айрим корхоналарда бунинг аксини сезамиз. Бирор техник янгилик киритилгач, ҳали ушбу янгилик тўлиқ жорий этилмасдан, ишчи, техник ходим таклиф этилган янгиликни сезиб, тушуниб, самарасини кўрмасдан туриб илгари ишлаб чиқарилаётган деталга бўлган ҳақ тўлаш нормативи ўзгартириб қўйилади. Оқибатда ишчи техник янгиликни ардоқлаш, авайлаш ўрнига унга "душман" кўзи билан қарайдиган бўлиб қолади. Ана шундай муносабатга олиб келувчи шарт-шароит келажакка ишонч тамойилларини саробга айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас. Бир сўз билан айтганда, ишчи кучи ва янгилик қимматининг ўзаро муносабати янги техника жорий этишни оғир аҳволга солиб қўймоқда.

Янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқаришга татбиқ этишдаги сустлик, консерватизм барча илғор янгиликлар йўлидаги тўғаноқ — бир кўлмакки, уни ижодкорлик қуёши нури билан қуритиб юбориш керак. Ҳар бир мутахассис ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажариши шарт. Бу унинг виждон бурчи, унга илм берган, вояга етказган жамият олдидаги қарзи. Ушбу фикр, менимча, адабиёт ва санъат аҳлларига ҳам, техника зиёлиларига ҳам, талабаларга ҳам баб-баробар тааллуқлидир.

ОДОБИМ – ОФТОБИМ

Таълим тизимида яна бир муаммо борки, бу кийиниш ҳамда одобахлоқ масаласидир. Айрим домлалар талабаларга кўрсатма берадилару ўзлари ушбу тартибга бўйсунмайдилар. Бу борада Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини эслаб ўтиш жоиздир: "... таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди". Шунинг учун барча таълим даргоҳларида профессор-ўқитувчилар, магистрант ва талабаларнинг кийиниши, жамоада ўзини тутиши каби одобларни ҳаётга татбиқ этиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш керак.

Масалан, ТАТУ "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши талабалар уйи фаоллари билан биргаликда талабаларнинг кийиниши ҳақида ўзига хос талабномаларни ишлаб чиққан. Унга кўра, талабаларга университетда ярим-яланғоч, сочларини бетартиб ўстирган ҳолда ёки шортик ва уйда кийиладиган оёқ кийимларида юриш одобга зид эканлиги уқтирилиб, иложи борича бўйинбоғ боғлаш тавсия этилган. Шу боис, ректор ташаббуси билан кам таъминланган талабаларга мунтазам равишда оқ кўйлак ва бўйинбоғ олиб бериб турилади. Албатта, ушбу тартиб-қоида ҳамма талабаларга ҳам ёқавермайди. Бу эса айнан ўша талабалар билан кўпроқ маънавият ҳақида суҳбатлашишни, улар онгида университет қонун-қоидасига барча бирдек риоя этиш маданиятли инсонга хос эканлигини сингдира олишимиз даркорлигини тақозо этади. Ушбу йўлда ўқитувчилар ҳамфикрликда ишлашлари, ўзлари талабаларга ўрнак бўлишлари керак.

УСТОЗ — УЛУҒ МУРАББИЙ

Халқимизда "Устоз отангдан улуғ", деган пурҳикмат мақол бор. Бу бежиз айтилмаган, албатта. Талабаларга устоз, домла кимлигини, илмнинг ҳикматини, тўғриликни, Ватан севгисини, қадриятларимизни, миллийликни, маънавий қаҳатчилик бўлган жойда иқтисодий фаровонлика дарз кетишини, хушмуомалаликни, маданиятимизни, ёши улуғларга ҳурматда, кичикларга иззатда ва меҳр-шафқатда бўлиш керак-лигини уқтириб боришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Шунингдек, уларга ҳикматларда айтилганидек, тўрт нарса тўрт нарсага: обрў — одобга, шодлик — хотиржамликка, дўстлик — муҳаббатга, ақл — тажрибага муҳтож эканлигини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб беришимиз лозим.

Талаба қалбида ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш тамойилини жонлантиришимиз, улар тафаккурини ўстириш усулларини тинмай излашимиз даркор. Бу борада буюк мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларини доим ёдда тутишимиз лозим:

Ҳар ишники қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Ана шундагина Президентимиз И.Каримовнинг "Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларимизни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир", деган сўзини амалга оширган бўламиз.

(Давоми бор.)

Н.МЎМИНОВ,
ТАТУ "Маънавият ва маърифат" ишлари бўйича 1-проректори

JBIC LOYIHASI AMALDA

ЭЗГУ ИШЛАР САМАРАСИ

Чет эл компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик, тажриба алмашишлар ўз самарасини бераётганини биргина "Қашқадарё Телеком" филиали мисолида ҳам кўриш мумкин. Боиси, кейинги икки йил ичида воҳа алоқачилари томонидан телекоммуникация технологияларини ривожлантиришда жуда катта ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда "Ўзбектелеком" АКнинг ёрдами билан Қарши шаҳрида замонавий бошқарув телефон станцияси иш бошлади. Қолган 6та АТСлар оптик-толали кабеллар орқали ҳалқа қилиб уланди ва 12500 рақамли телефонлар ишга туширилди. Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ва Қамаши туманларидаги телефон станциялари замонавийларига алмаштирилди. Янги АТСлар қулайлиги ва сифатлилиги билан барчага манзур бўлмоқда.

Воҳа алоқачилари яхши ният билан бошлаган ишларини ҳозирда ҳам давом эттиришяпти. Алоқа хизматини бугунги кун талаблари даражасига келтириш, ускуналарни янгилаш, оптик-толали кабеллар орқали янги тизимдаги алоқаларни ташкил этиш асосий иш дастурига киритилган.

Шу маънода вилоят туманларини бир-бирига боғлаш, бошқа шаҳарлар билан алоқа қилиш учун JBIC лойиҳаси ҳисобига 2280 рақамли замонавий электрон автоматик халқаро ва шаҳарлараро станцияси қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилди. Уч қисмдан иборат бўлган ушбу станция лойиҳасини бажаришда шаҳарлараро каналларни ўлчаш ускунасини ўрнатиш ва тест ишлари Хитойнинг "Хуавей" фирмаси мутахассислари томонидан сифатли бажарилган бўлса, Қарши шаҳридан туманлар йўналишига мўлжалланган ускуна Японияниг "НЕК" компанияси томонидан фойдаланишга топширилди. Қарши шаҳрида коммутаторлар ишини компютерлар орқали амалга оширишни эса Россиянинг "Рино" фирмаси ишбилармонлари бажаришди.

Шундай қилиб, воҳада яна бир улкан иншоот фойдаланишга топширилди. Вилоятда 2004-2005 йилларда телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш лойиҳаси амалга ошганидан сўнг барча туман марказлари рақамли телекоммуникация алоқасига эга бўлади. Бу ўз навбатида маҳаллий аҳоли сифатли телекоммуникациялар хизматидан фойдаланади деганидир.

Б.МУРОДОВ

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Аввал хабар қилганимиздек, бухороликлар республикамизда биринчи бўлиб замонавий телеузатгичлар хизматидан баҳраманд бўлиш имкониятига эришдилар. Японияда малака ошириб қайтган бухоролик мутахассислар "НЕК" компанияси супервизорлари билан ҳамкорликда телевидение тўлқин узатгичларини монтаж қилиш ва тест ишларини бажардилар.

Бундан 20-25 йил олдин ўрнатилган узатгичлар ҳар томонлама эскирган бўлиб, уларни янгилари билан алмаштириш зарурати туғилиб қолган эди. Ўзбекистоннинг Япония билан стратегик ҳамкорлиги бугунги кунга келиб ана шу муаммони ечиш имконини берди. Япония мамлакати томонидан республикамизнинг Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда замонавий асбоб-ускуналарни ўрнатиш учун жами 13,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилганлиги бунинг исботидир. Бухоро шаҳрида ҳозирча иккита телевизион узатгич иш бошлади. Жорий йил давомида вилоятнинг Олот, Қоровулбозор туманлари, шунингдек, Газли ҳамда Қизилравот аҳоли истиқомат жойларида ҳам ана шундай телеузатгичларни, Бухоро ва Газли шаҳарларида эса FM узатгичларини ўрнатиш, жумладан, апрел ойига бориб вилоятда замонавий радиоузатгичларни ишга тушириш режалаштирилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, замонавий телевизион узатгичларнинг техник имкониятлари катта бўлиб, электр энергиясини тежайди. Бундан ташқари, техник хизмат кўрсатиш жиҳатидан ҳам анча қулай ва сифатлидир. Энг муҳими, телекўрсатувларни узатиш сифати яхшиланиб, янада кенгроқ ҳудуддаги телетомошабинлар қамраб олинадиган бўлади.

А.ИСТАМОВ

ЭЪЛОН!

"Xabar" газетаси ўз саҳифаларида корхона ҳамда ташкилотлар, хусусий фирмалар фаолиятига оид эълон ва рекламаларни, шунингдек, туғилган кун, никоҳ тўйи муносабати билан табрик-қутловларни, олди-сотди билан боғлиқ турли хил хусусий эълонларни чоп этишини маълум қилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. Тошкент Бош почтамти, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биноси, 4-қават, 401, 402-хоналар.

Мурожаат учун телефонлар: 138-41-94, 136-36-42, 136-35-29.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Қорақалпоқ почтаси" АЖ Беруний филиали жамоаси Саркоп алоқа бўлими бошлиғи **Фотима ХУДОЙҚУЛОВА**ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Унга узоқ умр, соғлиқ, оилавий бахт ҳамда ишларида омад тилайди.

ТЕЛЕДАСТУРЛАР — 2–8 феврал учун

TV I, TV II, TV III, TV IV, ОРТ, РТР, НТВ

ДУШАНБА, 2

"Ўзбекистон" телеканали TV I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Таҳлилнома".
8.45 , 17.55 ТВ-маркет.
8.50 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.50 Мусиқий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Тилсимой ғаройиб қизалоқ". Бадиий фильм.
11.15 "Масъул сўз".
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.05 "Кўрсатувдан-кўрсатувгача".
12.25, 13.55 ТВ-анонс.
12.30 "Чаман ичра". Мусиқий композиция.
12.50 "КиноТеатр".
13.10 "Ошин. Телесериал.
14.10 "Халқнинг кўнгли".
14.50 Кундузги сеанс: "Ўтган кунлар". Бадиий фильм.
16.25 "Оқ ва қора". Телешоу.
"Болалар сайёраси":
17.00 1. "Ғаройибкентга саёҳат".
2. "Олтин тож".
18.10 "Мулкдор".
18.30 Мумтоз наволар.
18.45 "Ҳаёт ва қонун".
19.05 "Юрган дарё".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. "Ҳиммат".
21.25 "Қўшиғимиз Сизга армуғон".
21.45 "Хотира саодати". Бадиий фильм. 1-қисм.
22.50 "Ахборот-дайжест".
23.10 "Бўстон - она замин келажаги". Ҳужжатли телесериал. 1-қисм.
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

"Ёшлар" телеканали TV II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" почтаси.
18.25 "Чумчуқвой". Мультфильм.
18.35 Қуёшли юрт одамлари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 "Давр"-репортаж.
19.45 ТВ-анонс.
19.50 "Меҳр кўзда". Мактубларга шарҳ.
20.10 Мусиқий лаҳза.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 ТВ-адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 "Гвадалупе". Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайрли тун.

"Тошкент" телеканали TV III

17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 "Эпидемия". Ҳужжатли фильм.
17.45 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
17.55 "Хориж хабарлари".
18.00, 21.10 "Экспресс" телегазетаси.
18.10 "Халқ саломатлиги йўлида".
18.30, 20.00, 20.35, 22.20 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.50 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
19.20 ТТВда сериал: "Ҳақиқат чегараси".
20.20 "Avto-news".
20.55 "Мурувват".
21.20 "Суҳбатдош".
21.40 ТТВда сериал: "Бебилиска пул".
22.40 Киноингоҳ, "Ёр-ёр".
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!

СПОРТ телеканали TV IV

8.00 "Бардам бўлинг". Тонгги дам олиш дастури.
9.00 "Хабарлар".
9.15 Кураш. Халқаро турнир.
9.45-11.20 "Sport TV"да кино: "Кичкинанинг саргузаштлари". Бадиий фильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар".
17.15 "Шоввозлар". Мультсериал.
17.35 "Болалар спорти".
17.50 "Белида белбоғи борлар".
18.10 "Олимп сари йўл".
18.25 "Спорт-антракт".
БИРИНЧИ КАНАЛ.
18.30 "Ҳазил кетидан ҳазил". Ҳажвий кўрсатув.
19.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал.
20.00 "Мени кутгил".
21.00 "Время".
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
21.30 "Хабарлар".
21.45 "Ўзбекистон ифтихорлари".
22.05 Жаҳон спорти: "Профф-РИНГ".
23.05 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ОРТ

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 Комедия «Собачья работа-2»
10.50 Документальный детектив. «Приговор с продолжением».
11.40 Следствие ведет Колобков
12.00 Новости
12.20 Х/ф «Валерий Чкалов»
14.00 Город женщин
15.00 Новости (с субтитрами)
15.20 Сериал «Берег мечты»
16.20 «Угадай мелодию»
16.50 «Большая стирка»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.30 «Шутка за шуткой».
19.00 «Земля любви, земля надежды». Сериал
20.00 Жди меня
21.00 Время
21.30 Сериал «Следующий» («Next-3»)
22.30 Криминальная Россия. «Тульская бойня». Часть 1-я
23.00 «Личная жизнь Екатерины Максимовой»
24.00 Искатели. «Золотая стрела Батыя»
24.30 «Челленджер». Документальный фильм
1.10 Боевик «За пригоршню динамита»
3.30 Боевик «Почему я?»
5.00 Новости
5.05 «Мистика Каталонии»

РТР

3:00 «Доброе утро, Россия !».
6:45 Комедия «Эмигрант»
8:40 «В Городке».
8:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9:00 ВЕСТИ.
9:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
9:50 «Что хочет женщина». Ток-шоу
10:50 ПРЕМЬЕРА. «Свои чужие».
11:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
12:00 ВЕСТИ.
12:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
12:30 «Частная жизнь». Ток-шоу
13:30 Телесериал «Возвращение Мухтара».
14:25 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
14:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
15:00 ВЕСТИ.
15:10 Детектив «Кобра. Антитеррор». «Князь тьмы».
16:00 Мелодрама «Спас под березами».
16:55 Детективный сериал «Тайны следствия. Чужой крест».
18:00 ВЕСТИ.
18:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
18:50 «Спокойной ночи, малыши!».
18:55 Сериал «Подари мне жизнь».
20:00 Телесериал «Неотложка».
21:00 «ВЕСТИ+».
21:20 «Дежурный по стране».
22:15 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
22:30 Боевик «Путь Якудзы».
23:45 Комедия «Чемодан»
1:25 «Дорожный патруль».
1:40 Канал «Евроньюс» на русском языке.
2:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

НТВ

6:00 УТРО НА НТВ
8:50 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД».
9:25 «БЕЗ РЕЦЕПТА».
10:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
10:25 «НАМЕДНИ»
12:00 «СЕГОДНЯ»
12:35 Комедия «КАРА НЕБЕСНАЯ»
14:35 «ПРОТОКОЛ»
15:00 «СЕГОДНЯ»
15:35 Ток-шоу «ПРИНЦИП ДОМИНО»
17:00 «СЕГОДНЯ»
17:30 Сериал «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
18:35 «ПРОТОКОЛ»
19:00 «СЕГОДНЯ»
19:40 Сериал «СТИЛЕТ», 1 серия
20:50 Остросюжетный сериал «Я ВСЕ РЕШУ САМА», 1 серия
22:00 «СЕГОДНЯ» с Татьяной Митковой
22:30 «КРАСНАЯ СТРЕЛА»
22:40 Сериал «БЕЗ СЛЕДА: БИЛЕТ В НИКУДА»
23:40 Детективный сериал «СТИЛЕТ»
24:50 «СТРАНА И МИР». Главные события дня

СЕШАНБА, 3

"Ўзбекистон" телеканали TV I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35,17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Қушлар ҳақида ҳақиқат". Ҳужжатли фильм. 4-қисм.
9.50 Мусиқий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 Халқ севган достонлар.
10.35 "Тангалик болалар". Бадиий фильм.
11.50, 16.05 ТВ-клип.
12.05 "Мулкдор".
12.25 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. "Ҳиммат".
12.45 ТВ-анонс.
12.55 "Бизнес ҳафта".
13.10 "Шов-шув". Телесериал.
14.10 "Рангин дунё".
14.30 "Қизғалдоқ". Болалар фольклор ансамбли.
14.55 "Замин ғаройиботлари". Ҳужжатли фильм.
16.15 "Ҳаёт ва қонун".
16.35 "Навоий ҳақида ривоятлар".
16.55 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 "Остонаси тиллодан".
18.25 "Тафсилот".
18.40 Долзарб мавзу.
18.55 "ТВ Бинго миллионер". Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истеъмолчи".
21.25 "Келин-куёв". Телешоу.
22.25 "Хотира саодати". Бадиий фильм. 2-қисм.
23.30 "Ахборот-дайжест".
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

"Ёшлар" телеканали TV II

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 "Давр" - репортаж.
9.25 ТВ-анонс.
9.30 "Янги авлод" почтаси.
9.50 "Қўшнилар". Мультфильм.
10.00 Тонгги сериал: "Рамаяна".
10.35 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Бухоро — ҳунармандлар шаҳри".
10.55 "Давр" ҳафта ичида.
11.25 ТВ-адвокат.
11.30 "Гвадалупе". Телесериал.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 "Чорраҳадаги уй". Видеофильм 1-қисм.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ-анонс.
13.15 Болалар учун мультсериал: "Қиролликдаги саргузаштлар".
13.40 Интерфутбол.
15.20 Қуёшли юрт одамлари.
15.40 "Шум бола". Бадиий фильм.
17.10 Қишлоқдаги тенгдошим.
17.30 ТВ-анонс.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 "Янги авлод" студияси: Ёқимли иштаҳа.
18.00 "Пашшавой". Мультфильм.
18.10 Таянч.
18.30 Минг бир маслаҳат.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 "Давр" - интервью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Сув — ҳаёт манбаи.
20.10 Одил сўз.
20.30 ТВ-адвокат.
20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.40 "Гвадалупе". Телесериал.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 М. Исмоил "Янги ой чиққан кеча". Видеофильм 1-қисм.
23.45-23.50 Хайрли тун.

"Тошкент" телеканали TV III

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: "Луиза Фернанда".
17.45 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
17.55 "Хориж хабарлари".
18.00, 20.40 "Экспресс" телегазетаси.
18.10 "Билим" телеклуби.
18.30, 20.20, 21.10, 22.40 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.50 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
19.20 ТТВда сериал: "Ҳақиқат чегараси".
20.20 "Ҳамшаҳарлар".
20.50 "Инсон ва қонун".
21.30 "Туризм ҳақида".
22.00 ТТВда сериал: "Бебилиска пул".
23.00 Киноингоҳ, "Ганг дарёсининг қизи".
00.10-00.15 Хайрли тун, шаҳрим!

СПОРТ телеканали TV IV

8.00 "Бардам бўлинг". Тонгги дам олиш дастури.
9.00 "Хабарлар".
9.15 "Болалар спорти".
9.30 Кураш. Халқаро турнир.
10.00-11.30 Футбол. Осиё чемпионати 2004 саралаш учрашуви. Ўзбекистон-Гонконг.
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар".
17.15 "Шоввозлар". Мультсериал.
17.35 "Кучли бешлик". Футбол шарҳи.
18.25 "Спорт - антракт".
БИРИНЧИ КАНАЛ.
18.30 Машҳурлар. Дмитрий Харатьян.
19.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал.
19.50 Премьера. "Чегара". Сериал.
21.00 "Время".
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
21.30 "Хабарлар".
21.45 "Болалар спорти".
22.00 Жаҳон спорти: "Еврофутбол".
23.35 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ОРТ

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 Сериал «Следующий» («Next-3»)
10.10 «Земля любви, земля надежды». Сериал
11.00 «Шутка за шуткой».
11.40 Дисней-клуб: «Ким Пять-с-плюсом»
12.00 Новости
12.20 Х/ф «Плата за проезд»
14.10 Город женщин
15.00 Новости (с субтитрами)
15.20 Сериал «Берег мечты»
16.20 «Угадай мелодию»
16.50 «Большая стирка»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.30 «Кумиры». Дмитрий Харатян
19.00 «Земля любви, земля надежды». Сериал
19.50 Сериал «Моя граница»
21.00 Время
21.30 Сериал «Следующий» («Next-3»)
22.30 Тайны века. «Последний полет Валерия Чкалова»
23.30 Ночное «Время»
23.50 «На футболе»
24.20 «Сканер»
24.50 «Гении и злодеи»
1.20 Х/ф «Охота на бабочек»
3.20 Х/ф «Подразделение «Морские котики»
5.00 Новости
5.05 Фильм «Подразделение «Морские котики». Окончание

РТР

3:00 «Доброе утро, Россия !».
6:45 Сериал «Подари мне жизнь».
7:50 «Короткое замыкание». Ток-шоу.
8:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9:00 ВЕСТИ.
9:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
9:50 «Что хочет женщина». Ток-шоу
10:50 Телесериал «Неотложка».
11:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
12:00 ВЕСТИ.
12:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
12:30 «Частная жизнь». Ток-шоу
13:30 Телесериал «Возвращение Мухтара».
14:25 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
14:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
15:00 ВЕСТИ.
15:10 Детектив «Кобра. Антитеррор». «Охота на первого».
16:00 Мелодрама «Спас под березами».
16:55 Детективный сериал «Тайны следствия. Чужой крест».
18:00 ВЕСТИ.
18:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
18:50 «Спокойной ночи, малыши!».
18:55 Сериал «Подари мне жизнь».
20:00 Телесериал «Неотложка».
21:00 «ВЕСТИ+».
21:20 «Как Сталин снимал кино». Фильм 2-й.
22:15 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
22:30 Х/ф «Радиоволна»
0:45 «Дорожный патруль».
1:00 «Агентство одиноких сердец».
1:25 СЕРИАЛ. «Ангелы Чарли»
2:10 Телесериал «Навеки Джулия».

НТВ

6:00 УТРО НА НТВ
8:55 Остросюжетный сериал «Я ВСЕ РЕШУ САМА»
10:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
10:25 «ДИКИЙ МИР».
11:15 Ток-шоу «СТРАНА СОВЕТОВ»
12:00 «СЕГОДНЯ»
12:35 Х/ф «ЧП - ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ», 1 серия
14:15 «ЦЫГАНЕ». Профессия - репортер
14:35 «ПРОТОКОЛ»
15:00 «СЕГОДНЯ»
15:35 Ток-шоу «ПРИНЦИП ДОМИНО»
17:00 «СЕГОДНЯ»
17:30 Сериал «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
18:35 «ПРОТОКОЛ»
19:00 «СЕГОДНЯ»
19:40 Детектив «СТИЛЕТ», 2 серия
20:50 Сериал «Я ВСЕ РЕШУ САМА», 2 серия
22:00 «СЕГОДНЯ»
22:30 «КРАСНАЯ СТРЕЛА»
22:40 Сериал «БЕЗ СЛЕДА: ОН ВИДЕЛ, ОНА ВИДЕЛА»
23:45 Детективный сериал «СТИЛЕТ»
24:55 «СТРАНА И МИР». Главные события дня
1:30 «КОМА: ЭТО ПРАВДА»

ЧОРШАНБА,4

"Ўзбекистон" телеканали TV I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Қушлар ҳақида ҳақиқат". Ҳужжатли фильм. 5-қисм.
9.50 "Жасур йигитчалар". Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Тафсилот".
10.20 "Бўронлар ҳукмдори". Бадиий фильм.
11.50 ТВ-клип.
12.05 "Остонаси тиллодан".
12.20 "Қуёшли юрт оҳанглари".
12.40 "Саргузаштлар ороли". Телешоу.
13.10 "Яхшилик".
13.35 "Истеъмолчи".
13.55 ТВ-анонс.
14.10 Кундузги сеанс : "Ниқоблар". Бадиий фильм.
15.45 "Ягона оилада".
16.15 "Навоий ҳақида ривоятлар".
"Болалар сайёраси":
16.45 1. "Қўшиғим - жон қўшиғим".
2. "Қизиқарли учрашувлар".
17.40 "Таълим ва тараққиёт".
18.10 "Зумраша". Ҳажвий киножурнал.
18.20 "Қалқон".
18.40 "Ифтихор".
18.55 "Ўзбекистон жаҳон нигоҳида". Ҳужжатли фильм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Оқшом эртаклари".
20.15 "Юзма-юз".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Журналист таҳлили".
21.25 "Ватан малҳи".
21.50 "Кўкка совурилган пул". Бадиий фильм.
23.15 "Ахборот-дайжест".
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

"Ёшлар" телеканали TV II

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ-анонс.
9.20 "Янги авлод" студияси: Ёқимли иштаҳа.
9.40 Таянч.
10.00 Тонгги сериал: "Рамаяна".
10.35 "Давр" - интервью.
10.50 ТВ-анонс.
10.55 Одил сўз.
11.15 ТВ-адвокат.
11.20 "Гвадалупе". Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 "Ўзбектелефильм" намойиши : "Гўзаллик оламида".
12.30 "Меҳр кўзда". Мактубларга шарҳ.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ-анонс.
13.15 Болалар учун мультсериал: "Қиролликдаги саргузаштлар".
13.40 Биз билган ва билмаган дунё.
14.00 "Шарқий экспрессдаги қотиллик". Бадиий фильм 1-қисм.
15.00 ТВ-анонс.
15.05 "Шарқий экспрессдаги қотиллик". Бадиий фильм 2-қисм.
16.10 Алифбе байрами.
16.25 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
17.15 Мезон.
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 "Янги авлод" студияси: Оқ кабутар.
18.05 Адашганлар.
18.20 Сийрат.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Автопатрул.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Очил дастурхон.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 "Гвадалупе". Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 М. Исмоил "Янги ой чиққан кеча". Видеофильм 2-қисм.
23.45-23.50 Хайрли тун.

"Тошкент" телеканали TV III

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: "Луиза Фернанда".
17.45 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
17.55 "Хориж хабарлари".
18.00, 20.45 "Экспресс" телегазетаси.
18.10 "Болажонлар экрани".
18.30, 20.00, 21.15, 22.15 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.50 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
19.20 ТТВда сериал: "Ҳақиқат чегараси".
20.20 "Аёл-она, мураббий, раҳбар" телеклуби.
20.55 "Ҳимоя".
21.35 ТТВда сериал: "Бебилиска пул".
22.35 Италия киноси: "Бьянка".
00.10-00.15 Хайрли тун, шаҳрим!

СПОРТ телеканали TV IV

8.00 "Бардам бўлинг". Тонгги дам олиш дастури.
9.00 "Хабарлар".
9.15 "Болалар спорти".
9.30 Кураш. Халқаро турнир.
10.00-11.25 "Sport ТВ"да кино: "Курьер". Бадиий фильм.
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар".
17.15 "Шоввозлар". Мультсериал.
17.35 "Кучли бешлик". Футбол шарҳи.
18.25 "Спорт – антракт".
БИРИНЧИ КАНАЛ.
18.30 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
19.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал.
19.50 Премьера. "Чегара". Сериал.
21.00 "Время".
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
21.30 "Хабарлар".
21.45 "Болалар спорти".
22.00 "Тиниб-тинчимаган чоллар". Видеофильм 1-қисм.
22.35 Жаҳон спорти: "Теннис".
23.35 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ОРТ

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 Сериал «Следующий» («Next-3»)
10.10 «Земля любви, земля надежды». Сериал
11.00 «Кумиры». Дмитрий Харатьян
11.40 Дисней-клуб: «Чудеса на виражах»
12.00 Новости
12.20 Комедия «Невеста с севера»
13.50 Искатели. «Золотая стрела Батыя»
14.20 Город женщин
15.00 Новости (с субтитрами)
15.20 Сериал «Берег мечты»
16.20 «Угадай мелодию»
16.50 «Большая стирка»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.30 Смехопанорама Евгения Петросяна
19.00 «Земля любви, земля надежды». Сериал
19.50 Сериал «Моя граница»
21.00 Время
21.30 Сериал «Следующий» («Next-3»)
22.30 Спецназ. «Поединок с прошлым»
23.30 Ночное «Время»
23.50 Ударная сила. «Легкая броня»
24.20 «Брачные игры животных». Часть 3-я - «В погоне за яйцеклеткой»
24.50 «Бродвейская штучка»
1.30 Триллер «Человек с поезда»
3.10 Боевик «Кодекс молчания»
5.00 Новости
5.05 Новые чудеса света. «Райский сад»

РТР

3:00 «Доброе утро, Россия !».
6:45 Сериал «Подари мне жизнь».
7:50 «Короткое замыкание». Ток-шоу.
8:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9:00 ВЕСТИ.
9:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
9:50 «Что хочет женщина». Ток-шоу
10:50 Телесериал «Неотложка».
11:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
12:00 ВЕСТИ.
12:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
12:30 «Частная жизнь». Ток-шоу
13:30 Телесериал «Возвращение Мухтара».
14:25 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
14:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
15:00 ВЕСТИ.
15:10 Детектив «Кобра. Антитеррор». «Охота на первого».
16:00 Мелодрама «Спас под березами».
16:55 Детективный сериал «Тайны следствия. Практикантка».
18:00 ВЕСТИ.
18:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
18:50 «Спокойной ночи, малыши!».
18:55 Сериал «Подари мне жизнь».
20:00 Телесериал «Неотложка».
21:00 «ВЕСТИ+».
21:20 «Авторитет с Дмитрием Киселевым». Нобелевский лауреат-2003 Виталий Гинзбург.
21:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
22:05 Х/ф «Любовь по заказу».
23:50 Фигурное катание. Чемпионат Европы-2004. Трансляция из Будапешта.
0:50 «Синемания».
1:25 «Дорожный патруль».
1:35 «Агентство одиноких сердец».
2:00 Телесериал «Навеки Джулия».
2:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

НТВ

6:00 УТРО НА НТВ
8:50 Остросюжетный сериал «Я ВСЕ РЕШУ САМА»
10:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
10:25 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
11:15 «СТРАНА СОВЕТОВ»
12:00 «СЕГОДНЯ»
12:30 Х/ф «ЧП - ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ», 2 серия
14:15 «ОБРАТНАЯ СТОРОНА ОЗЕР». Профессия - репортер
14:35 «ПРОТОКОЛ»
15:00 «СЕГОДНЯ»
15:30 Ток-шоу «ПРИНЦИП ДОМИНО»
17:00 «СЕГОДНЯ»
17:30 Сериал «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
18:35 «ПРОТОКОЛ»
19:00 «СЕГОДНЯ»
19:40 Детектив «СТИЛЕТ», 3 серия
20:50 Сериал «Я ВСЕ РЕШУ САМА», 3 серия
22:00 «СЕГОДНЯ»
22:30 «КРАСНАЯ СТРЕЛА»
22:40 Сериал «БЕЗ СЛЕДА: МЕЖДУ ДВУМЯ ПРОПАСТЯМИ»
23:40 Детективный сериал «СТИЛЕТ»
24:55 «СТРАНА И МИР». Главные события дня

ПАЙШАНБА, 5

"Ўзбекистон" телеканали TV I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1. "Қўшиғим - жон қўшиғим".
2. "Қизиқарли учрашувлар".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 "Алиса ғаройиботлар мамлакатида". Мультфильм.
11.40 "Таълим ва тараққиёт".
12.05 "Ўзбекистон жаҳон нигоҳида". Ҳужжатли фильм.
12.35 "Мусанниф".
12.55 "Шов-шув". Телесериал.
13.45 "Ҳаракатда - баракат".
14.10 "Дунё бўйлаб".
14.30 "Журналист таҳлили".
14.50 Кундузги сеанс: "Рангин кўзгу". Бадиий фильм.
16.00 "Навоий ҳақида ривоятлар".
"Болалар сайёраси":
16.40 1. "Цирк, цирк, цирк".
2. "Болалар ва катталар".
17.40 "Харита". Халқаро шарҳ.
18.10 "Зийнат".
18.30 Репортаж.
18.40 "Соғлом она - соғлом бола".
19.00 "Бир жиноят изидан".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Оқшом эртаклари".
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 Телемулоқот.
21.45 ТВ-клип.
21.55 "Гамлет". Бадиий фильм. 1-қисм.
23.05 "Ахборот-дайжест".
23.25-23.30 Ватан. тимсоллари.

"Ёшлар" телеканали TV II

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ-анонс.
9.20 "Янги авлод" студияси: Оқ кабутар.
9.40 Тафаккур ёлқинлари.
9.55 Тонгги сериал: "Рамаяна".
10.30 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Афсонавий шаҳарда".
10.40 Алифбе байрами.
10.55 "Гвадалупе". Телесериал.
11.35 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.00 Спорт - қитъаси (рус тилида)
12.30 "Чорраҳадаги уй". Видеофильм 2-қисм.
